







Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Хайру шарр гар бир-бирига зид эрур, Битта илга боғланиб, мавжуд эрур.

Ақлини шубҳа-гумонлар тортадир, Сен далил айтсанг, гумони ортадир...

Бас, жавоб унга сукутдириким, сукун, Чунки нодонларга сўз айтмоқ — жунун.

Макру ёлгон дилга солмас иштиёк, Мойга сув кўшганда ёнғайму чироқ?

Тўғри сўз, билсанг, кўнгил оромидир, Тўғрилиқлар — дил қушининг ромидир.

Кимки тарк айлар эса майлу ҳаво, Кўзалари сирларга бўлгай ошно.

Иллоти йўқ эрса, жаҳл олим бўлур, Иллоти бор эрса, илм золим бўлур.

Ҳар киши тоатдин олса наъша, бас, Бир нафас ҳам айру тушмоқ истамас.

Сўзки, ул дилдан эмас, тилдан келур, Уйлаким, гулҳанда ўсган гул эрур.

Гар нифоқ аҳлига эш бўлса киши, Ул мунофиқлар каби бўлгай иши.

Тўғридир, деб гоҳ олурлар эгрини, Қанд кўшиб, гоҳо ичурлар оғуни.

Беҳақиқат эрмас оламда ҳаёл.

Барча тунлар ҳам қадр эрмас-ку, бас, Барча тунлар ҳам қадрдин холимас.

Бўлмаса дунёда нодир нарса гар, Не қилурди аҳли тожир, савдогар?

Лойқадин софу зилол сузимок учун Қанқадан захмат чекармиз, қанча хун.

Ўлжа деб қармоққа эт илсанг, аё, Ҳийладир ул, бахшиш эрмас ё саҳо.

Мўйловинг сийрак, соқолинг йўқ экан, Сен соқолсиз деб бироваг урма таън.

Масжид ул — орифу сарварлар дили.

... аҳли ҳасаддир ноаҳил.

Ҳар даврда қойим ўлгайдир вали, То қиёмат бул давом этгай вале.

Яхшилиқдин чиқмагай ғашлик.

Одамий пинҳон эрур тил остида, Тил мисоли пардадир жон устида.

Сув бўйида сувга ким бўлгай бахил?

...саҳо кўздин келур, кўлдин эмас.

Демагил ишлар, амаллар айладим, Бизга кўрсат — не самарлар айладинг.

Ҳар сабаб — она, асар — фарзанд.

Кимки хушсуврат вале феъли ёмон, Тегмагай мўлжалга ўқи ҳеч қачон.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2001 йилда Бакирова Наргиза Тулаганова номига берилган В№ 045140 номерли бакалавр дипломи йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

М.С.ТУРСУНХЎЖАЕВА НОМЛИ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ 2007-2008 ўқув йили учун куйидаги мутахассисликлар бўйича абитуриентларни қабул қилади:

- 1.Ҳамширалик иши
2.Акушерлик иши
3.Стоматология (Тиш техниги)
1.9-синф маълумотига эга ўқувчилар учун ўқиш муддати 3 йил.
Абитуриентлар 2 фан мажмуаси бўйича махсус синовлардан ўтадилар:
1.Она тили ва адабиёт.
2.Биология
АБИТУРИЕНТЛАРДАН КUYИДАГИ ХУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ:
1.Директор номига ариза.
2.Маълумоти ҳақидаги хужжатнинг асл нусхаси.
3.086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.
4.3x4 ҳажми 6 та фотосурат.
5.Турар жойдан маълумотнома.

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

ЖОЗИБАДОР ТАБАССУМ

2007 — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖОРИЙ ЙИЛ ДАВОМИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН 34200 НАФАР 2-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОРАСИДА «ЖОЗИБАДОР ТАБАССУМ» ДАСТУРИ ЎТКАЗИЛДИ.



Дастур доирасида шаҳримиз мактабларида таълим олаётган барча иккинчи синф ўқувчилари учун стоматологлар томонидан оғиз бўшлиғи гигиенаси мавзусида маърузалар ўқилди ва ўқув қўлланмалари тақдим этилди.

кўрик-танлови ўтказилди. «Жозибодор табассум» дастури ўқувчилар, ота-оналар ва ўқитувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Яқинда Фабур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Жозибодор табассум» ўқув-соғломлаштириш дастури на-

Шунинг учун ҳам оромгоҳларда ёзги мавсумга тайёргарлик ишларига баҳорданок киришилди. Мазкур ишларни уюшқоқликда, самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳоқими ва Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раёсатининг 2007 йил 4 апрелдаги «Ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларини дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 254-сонли қўшма қарори қабул қилинди.

Ёзги мавсумда соғломлаштириш масканларида пойтахтлик ўғил-қизларимизнинг кўнгилли дам олишлари учун, содир бўлиши мумкин бўлган фавулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида бошқарма томонидан Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудларида жойлашган ёзги

тижалари асосидаги кўрик-танловнинг якуний босқичи ўтказилди. Мазкур дастур куйи синф ўқувчиларида шахсий гигиена ва оғиз бўшлиғи гигиенаси кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида 1997 йилдан буён Procter & Gamble компанияси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

«Жозибодор табассум» дастури доирасидаги энг яхши ижодий иш кўрик-танлови ўн йилдан буён Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида ўтказиб келинмоқда, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг шаҳар таянч маскани раҳбари Махбуба Маҳкамбоева.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Жозибодор табассум» кўрик-танловининг якуний босқичидан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

ЁЗ — ЎТСИН СОЗ

МАКТАБЛАРДА ЎҚУВ ЙИЛИ ТУГАБ, БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛГА ЧИҚИБ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСКАНЛАРИГА, ДАМ ОЛИШ ОРОМГОҲЛАРИГА ЙЎЛ ОЛИШЛАРИГА ХАМ ОЗ ФУРСАТ ҚОЛМОҚДА. ФАРЗАНДАРИМИЗНИНГ КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ПУХТА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БИРГА ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, СОДИР БЎЛГАН ТАҚДИРДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ТЎҒРИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ МУҲИМ ҲИСОБЛАНАДИ.

лик ҳудудларда об-ҳаво ҳаттоки ёз пайтидаги инжиқлигини ҳисобга олиб иш кўриш мақсада мувофиқдир. Албатта, оромгоҳларда фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг олдини олиш, хавфсизлиқни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш масалалари Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси шахсий таркибига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

болалар оромгоҳларининг раҳбарларини хавфсизлиқни таъминлаш, ёнгин ҳамда бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш оқибатларини бартараф этиш ва тўғри ҳаракат қилиш бўйича 7 соатлик ўқув дастури асосида ўқув тайёргарлигидан ўтказиш, дам олиш оромгоҳларидаги фавқулодда вазиятларнинг содир бўлмашига аввало оромгоҳ раҳбарияти, тарбиячиларининг касбий тайёргарлигига боғлиқлигини эътиборга олиб, оромгоҳ етакчи-тарбиячиларини ёзги мавсумда болаларни таъқиқланган жойларда чўмилишга олиб бормаслик, чўмилаётган болаларни назоратсиз қолдирмаслик, чеклаш белги-

ларидан сузиб ўтишни ман этувчи чегараларни назорат қилиш, фавқулодда вазиятларда жабранганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ўзини ва бошқаларни қўтқариш бўйича амалий машғулотлар ўтказиш режалаштирилди.

Оромгоҳларда Фуқаро муҳофазаси бурчақларини ташкил этиш, дам олиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган фавулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича курғазмали плакатлар, эслатмалар ва услубий қўлланмалар билан жиҳозлаш алоҳида аҳамият касб этишини эътиборга олиб, бошқарма мутахассислари томонидан тегишли ташкилий ишлар олиб борилмоқда.

Шунинг билан бирга, ҳукуматимиз қарорига асосан, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари атрофидаги 500 метр узоқликда жойлашган тунги қаҳвахоналарда мавсум давомида ноҳуш ҳодисалар руй бермаслигини эътиборга олиб спиртли ичимликлар сотилишини тақиқлаш ва тегишли хизматлар томонидан қатъий назоратни олиб бориш масаласига ҳам алоҳида эътиборни қўйиштиришимиз лозим.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакики, фуқаро муҳофазаси соҳасида ишлар биргалликда ортирилган таъриб асосида олиб борилаётган экан, бу болаларимизни ёзги таътилни хавф-хатарсиз, кўнгилдагидек ўтказишларига омил бўлади.

Мурод ЖЎРАБОВ, Тошкент шаҳар ҚВБ Аҳоли ва ҳудудни муҳофазаси қилиш бўлими Таълим тусидаги фавқулодда вазиятларда муҳофазаси бўлимининг бошлиғи, капитан.

Хуснияҳон ТОЖИБОЕВА, Матбуот хизмати етакчи мутахассиси.

Сухроб БАХРОМОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Мунажжим башорати

БАХТЛИ ТАСОДИФЛАР КУНИ

22 МАЙ, СЕШАНБА

Мунажжимларимиз бугун омадли тасодифларга дуч келишингизни таъкидлаб, уни қўлдан чиқармасликни маслаҳат беришади. Куннинг астрологик рамзи «тошдан геометрик шаклар ясаётган одам» бўлиб, бунинг маъноси биз ҳаётимиздаги ҳар қандай аниқ далиллардан ўз нақшларимизни — «геометрик шакларимиз»ни тузишимиз нафақат мумкин, балки зарурлигидан иборат.

Оймомонинг ҳолати одамларни сергапликка мойил қилиб кўяди. Вақтингизни беҳуда сафсаталарга сарфламай, диққатингизни ўз оилангиз юмушларига қаратинг. Агар шамол бош кийимингизни учуриб юборса, муҳтожлик ва инқироздан огоҳ бўлинг. Чармдан ишланган буюмни топиб олиш омадингиз келишига ишора.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида» ги Р-2146-сонли фармойишига асосан куйидаги таълим муассасаларининг вақант (бўш) бўлган директорлик лавозимлигига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 4 columns: №, Таълим муассасаси номи, Манзили, Изоҳ. It lists various educational institutions and their locations for a competition.

- 1. Урта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошқармаси номига ариза;
2. Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
3. Суровнома (справка-объективка);
4. Таржимаи ҳол;
5. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;
6. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги хужжатларнинг нусхалари;
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
8. 3x4 ўлчамли 6 донна фотосурат;
9. Паспорт (нусхаси);
10. Тавсиянома;
11. Меҳнат дафтарчасидан нусха;
Хужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.
Хужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.
Мурожаат учун манзили:
Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй, 6-қават.
Тел: 136-05-01, 133-80-34.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 2884 нусxada босилди.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига еки «Тошкент почтачига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6